

**Бухоро давлат университети
ўқув-методик кенгаш 11-сонли
йиғилишининг баённомасидан
К Ў Ч И Р М А**

01.07.2021

Бухоро шаҳри

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Турли масалалар.

Тупроқшунослик кафедраси ўқитувчилари Ш.Х. Тўхтаев, Ф.А. Ганиева, А. Илёсов ва магистр М.Ф. Хайруллаевнинг 5410300-Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши учун “Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш” деб номланган ўқув-услубий қўлланмани тавсия этиш.

Э Ш И Т И Л Д И:

М.Ю. Фарманова (кенгаш котибаси) - Тупроқшунослик кафедраси ўқитувчилари Ш.Х. Тўхтаев, Ф.А. Ганиева, А. Илёсов ва магистр М.Ф. Хайруллаевнинг 5410300-Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши учун “Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш” деб номланган ўқув-услубий қўлланмани нашрга тавсия этишни маълум қилди. Ушбу ўқув-услубий қўлланмага: Тупроқшунослик кафедраси доценти к/х.ф.н., М. Ҳамидов ва Биология кафедраси профессори, б.ф.д., С.Б. Бўриевлар томонидан ижобий тақриз берилгани таъкидланди. Ўқув-услубий қўлланма муҳокамаси ҳақидаги Агрономия ва биотехнология факультети (2021 йил 2 март) ва Тупроқшунослик кафедраси (2021 йил 24 февраль) йиғилиш қарори билан таништирди.

Юқоридагиларни инобатга олиб ўқув-методик кенгаш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тупроқшунослик кафедраси ўқитувчилари Ш.Х. Тўхтаев, Ф.А. Ганиева, А. Илёсов ва магистр М.Ф. Хайруллаевнинг 5410300-Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича) таълим йўналиши учун “Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш” деб номланган ўқув-услубий қўлланма нашрга тавсия этилсин.

2. Ушбу қарорни тасдиқлаш университет Кенгашидан сўралсин.

Ўқув-методик кенгаш раиси

Ўқув-методик кенгаш котибаси



М.И. Даминов

М.Ю. Фарманова

Бухоро давлат университети
Агрономия ва биотехнология факультети
кенгашининг 2020-2021 ўқув йили
7-йиғилиши баёнидан кўчирма

2021 йил 02 март
соат: 14-00

Бухоро вилояти,
Бухоро тумани

Факультет кенгаши раиси - Х.Т. Артикова
Факультет кенгаши котиби - С.С. Ҳожиев
Факультет кенгаши аъзолари умумий сони:
23 нафар
Қатнашди: 18 нафар кенгаш аъзоси ва
таклиф қилинганлар (рўйхат асосида)

КУН ТАРТИБИ:

IV. Турли масала. 7. Бухоро давлат университети Агрономия ва биотехнология факультети Тупрокшунослик кафедраси доценти, б.ф.н. Ш.Х.Тўхтаев, Тупрокшунослик кафедраси ўқитувчи (ассистент)си Ф.А.Ғаниева ва Бухоро вилояти “Агрокимёхимоя” АЖ директор ўринбосари А.Аминовлар томонидан тайёрланган ўсимликларни ҳимоя қилиш таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Ўсимлик зарақунандаларига қарши курашиш” номли ўқув-услубий қўлланмасини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

ЭШИТИЛДИ:

С.С.Ҳожиев (кенгаш котиби) — кенгаш аъзоларини Бухоро давлат университети Агрономия ва биотехнология факультети Тупрокшунослик кафедраси доценти, б.ф.н. Ш.Х.Тўхтаев, Тупрокшунослик кафедраси ўқитувчи (ассистент)си Ф.А.Ғаниева ва Бухоро вилояти “Агрокимёхимоя” АЖ директор ўринбосари А.Аминовлар томонидан тайёрланган ўсимликларни ҳимоя қилиш таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Ўсимлик зарақунандаларига қарши курашиш” номли ўқув-услубий қўлланмасини чоп этишга тавсия этиш тўғрисидаги масала билан таништирди.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмага БухДУ Биология кафедраси профессори, б.ф.д. С.Б.Бўриев ва БухДУ Тупрокшунослик кафедраси доценти, к.х.ф.н. М.Ҳамидовлар томонидан ижобий тақриз берилганлиги таъкидланди. Шунингдек, мазкур ўқув қўлланма муҳокама қилинган Тупрокшунослик кафедрасининг 2021 йил 24 февралдаги 24-сонли мажлиси баёни билан таништирилди.

Ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари Н.Жураев ушбу ўқув-услубий қўлланмадан ОТМ талабалари ҳамда кенг китобхонлар фойдаланиши, хорижий ўқув адабиётлардан муаллифлар фойдаланганлиги ва айни вақтда бошқа ўқув адабиётларидан фарқланишини таъкидлаб, мазкур ўқув қўлланмага эҳтиёж борлигини билдирди.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, кенгаш **қарор қилади:**

1. Бухоро давлат университети Агрономия ва биотехнология факультети Тупрокшунослик кафедраси доценти, б.ф.н. Ш.Х.Тўхтаев, Тупрокшунослик кафедраси ўқитувчи (ассистент)си Ф.А.Ғаниева ва Бухоро вилояти “Агрокимёхимоя” АЖ директор ўринбосари А.Аминовлар томонидан тайёрланган ўсимликларни химоя қилиш таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Ўсимлик зарақунандаларига қарши курашиш” номли ўқув-услубий қўлланмаси бошқа ўқув адабиётлардан кўчирилмаганлиги, ундан профессор-ўқитувчи ва талабалар фойдаланишлари мумкинлиги таъкидлансин.

2. Бухоро давлат университети Агрономия ва биотехнология факультети Тупрокшунослик кафедраси доценти, б.ф.н. Ш.Х.Тўхтаев, Тупрокшунослик кафедраси ўқитувчи (ассистент)си Ф.А.Ғаниева ва Бухоро вилояти “Агрокимёхимоя” АЖ директор ўринбосари А.Аминовлар томонидан тайёрланган ўсимликларни химоя қилиш таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Ўсимлик зарақунандаларига қарши курашиш” номли ўқув-услубий қўлланмасини яратишда хорижий адабиётлардан фойдаланганлиги ҳамда белгиланган талабларга жавоб берганлиги учун чоп этишга тавсия этилсин.

3. Бухоро давлат университети Агрономия ва биотехнология факультети Тупрокшунослик кафедраси доценти, б.ф.н. Ш.Х.Тўхтаев, Тупрокшунослик кафедраси ўқитувчи (ассистент)си Ф.А.Ғаниева ва Бухоро вилояти “Агрокимёхимоя” АЖ директор ўринбосари А.Аминовлар томонидан тайёрланган ўсимликларни химоя қилиш таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Ўсимлик зарақунандаларига қарши курашиш” номли ўқув-услубий қўлланмасини чоп этишга тавсия этиш университет ўқув-услубий ҳамда университет кенгашларидан сўралсин.

Кенгаш раиси

Кенгаш котиби



Х.Т. Артикова

С.С. Хожиев

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ доценти Ш.Ҳ.Тўхтаев, кафедра
ўқитувчиси Ф.А.Ганиева ва Бухоро вилоят Агрокимёхимоя АЖ
директор ўринбосари А.Аминовнинг “Ўсимлик зараркунандаларига қарши
кураш” мавзусидаги ўқув-услубий қўлланмасига

ТАҚРИЗ

Тайёрланган ўқув-услубий қўлланма 28 бетдан иборат ва кундалик ҳамда Актлар илова тарзида тақдим қилинган бўлиб, ўқув-услубий қўлланма долзарблиги, ўсимликларнинг уйғунлашган ҳимоя қилишнинг бир бўлаги бўлган асосан Биологик ҳимоя қилишга йўналтирилган. Ғўза бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ердан униб чиқишидан токи вегетация даврининг охиригача қандай зараркунандалар зарар етказишини ҳисоб-китоб қилиб, назоратчилар томонидан олиб борилиши кўрсатилган.

Қўлланма муаллифларлар томонидан берилган асосий маълумотларидан ташқари, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари, энтомофаг ва акарифаглар бўйича кундалик дафтари шу билан бирга охирида маълумотларни тўлиқ жамлаш, қандай аҳволда эканлиги натижасини фермер ва туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимига топшириш учун акт ҳам илова қилинган.

Муаллифлар Ш.Ҳ.Тўхтаев, Ф.А.Ганиева ва А.Аминов тайёрлаган ўқув-услубий қўлланма ўсимликни ҳимоя қилиш йўналишидаги мутахассислар учун энг керакли вақтда тайёрланган долзарб маълумотлар ҳисобланади десак бўлади.

Агрономия ва биотехнология факультети
Тупроқшуннослик кафедраси доценти, қ.х.ф.н.:



М.Ҳамидов

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ доценти Ш.Ҳ.Тўхтаев, кафедра
ўқитувчиси Ф.А.Ганиева ва Бухоро вилоят Агрокимёхимоя АЖ
директор ўринбосари А.Аминовнинг “Ўсимлик зараркунандаларига қарши
кураш” мавзусидаги ўқув-услубий қўлланмасига

ТАҚРИЗ

Тайёрланган ўқув-услубий қўлланма 28 бетдан иборат ва кундалик ҳамда Актлар илова тарзида тақдим қилинган бўлиб, ўқув-услубий қўлланма долзарблиги, ўсимликларнинг уйғунлашган ҳимоя қилишнинг бир бўлаги бўлган асосан Биологик ҳимоя қилишга йўналтирилган. Ғўза бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ердан униб чиқишидан токи вегетация даврининг охиригача қандай зараркунандалар зарар етказишини ҳисоб-китоб қилиб, назоратчилар томонидан олиб борилиши кўрсатилган.

Қўлланма муаллифларлар томонидан берилган асосий маълумотларидан ташқари, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари, энтомофаг ва акарифаглар бўйича кундалик дафтари шу билан бирга охирида маълумотларни тўлиқ жамлаш, қандай аҳволда эканлиги натижасини фермер ва туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимига топшириш учун акт ҳам илова қилинган.

Муаллифлар Ш.Ҳ.Тўхтаев, Ф.А.Ганиева ва А.Аминов тайёрлаган ўқув-услубий қўлланма ўсимликни ҳимоя қилиш йўналишидаги мутахассислар учун энг керакли вақтда тайёрланган долзарб маълумотлар ҳисобланади десак бўлади.


Агрономия ва биотехнология факультети
Биология кафедраси профессори, б.ф.д.:



С.Б.Бўриев

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
Тупроқшунослик кафедраси

Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



Бухоро - 2021 йил

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ АГРОНОМИЯ ВА
БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ “ТУПРОҚШУНОСЛИК”
КАФЕДРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИДАН
КЎЧИРМА**

2021 йил 24 февраль

№ 25

Бухоро шаҳар

**Раислик
қилувчи:**

Кафедра мудири, б.ф.н., доцент Ф.Х.Жумаев

Қатнашдилар:

17 нафар кафедра профессор ўқитувчи

КУН ТАРТИБИ:

6. Турли масалалар. Кафедра доценти Ш.Х.Тўхтаев, кафедра ўқитувчиси Ф.А.Ганиева ва Бухоро вилоят Агрокимёхимоя АЖ директор ўринбосари А.Аминовнинг “Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш” мавзусидаги ўқув-услубий қўлланмаси муҳокамаси. Танловлар хусусида.

ЭШИТИЛДИ:

турли масалалар муҳокамасига ўтилди. Кафедра доценти Ш.Х.Тўхтаев, кафедра ўқитувчиси Ф.А.Ганиева ва Бухоро вилоят Агрокимёхимоя АЖ директор ўринбосари А.Аминовнинг “Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш” мавзусидаги ўқув-услубий қўлланмаси муҳокамасига ўтдилар. Кафедра Ф.Х.Жумаев ушбу “Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш” ўқув-услубий қўлланма билан йиғилиш аъзоларини батафсил таништириб ўтдилар. Қўлланмага тақриз ёзганлар: 1. Биология кафедраси профессори С.Б.Бўриев ва Тупроқшунослик кафедраси доценти М.Ҳамидов эканликларини маълум қилдилар.

Сўзга чиқдилар: кафедра доценти Ш.Нафетдинов - Тайёрланган ўқув-услубий қўлланма 28 бетдан иборат ва кундалик ҳамда Актлар илова тарзида тақдим қилинган бўлиб, ўқув-услубий қўлланма долзарблиги, ўсимликларнинг уйғунлашган химоя қилишнинг бир бўлаги бўлган асосан Биологик химоя қилишга йўналтирилган. Ғўза бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ердан униб чиқишидан токи вегетация даврининг охиригача қандай зараркунандалар зарар етказишини ҳисоб-китоб қилиб, назоратчилар томонидан олиб борилиши кўрсатилган. Чоп этишга тавсия этиш керак, - деган ижобий фикр билдирдилар.

Кафедра мудири Ф.Ҳ.Жумаев ҳам қўлланма хақида илиқ фикрларини билдириб, жумладан: Қўлланма муаллифларлар томонидан берилган асосий маълумотларидан ташқари, кишлок хўжалик экинларининг зараркунандалари, энтомофаг ва акарифаглар бўйича кундалик дафтари шу билан бирга охирида маълумотларни тўлиқ жамлаш, қандай аҳволда эканлиги натижасини фермер ва туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимига топшириш учун акт ҳам илова қилинган.

Муаллифлар Ш.Ҳ.Тўхтаев, Ф.А.Ганиева ва А.Аминов тайёрлаган ўқув-услугий қўлланма ўсимликни ҳимоя қилиш йўналишидаги мутахассислар учун энг керакли вақтда тайёрланган долзарб маълумотлар ҳисобланади десак бўлади.-деб, факультет илмий кенгашига тавсия этишга рози бўлганлар қўлини кўтаришларини сўради. Бир овоздан барча маъқуллади.

Сўнгги масала талабаларнинг каналларга келаётган танловларда қатнашишини таъминлаш масаласи. Бунда йиғилиш раиси Ф.Ҳ.Жумаев барча гуруҳ мураббийларига танловлар масаласида бир қатор вазифалар топширди. Хусусан “Энг яхши лойиҳа” танлови бўйича барча ўқитувчи ўзига талабани бириктириб маълум бир лойиҳани танлаб унинг устида иш олиб бориш лозимлигини уқтирди.

Юқоридаги масалалар доирасида кафедра аъзолари ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, мажлис

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

6. Кафедра доценти Ш.Ҳ.Тўхтаев, кафедра ўқитувчиси Ф.А.Ганиева ва Бухоро вилоят Агрокимёҳимоя АЖ директор ўринбосари А.Аминовнинг “Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш” мавзусидаги ўқув-услугий қўлланмаси факультет илмий кенгашига тавсия этилсин.

Йиғилиш раиси

Котиба



Ф.Ҳ.Жумаев

Ф.А.Ганиева

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
Тупроқшунослик кафедраси

Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



Бухоро - 2021 йил

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУХОРО ВИЛОЯТ ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АЖ

Ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш

Ўқув-услубий қўлланма

ТУЗУВЧИЛАР:

1. Бухоро давлат университети Тупроқшунослик кафедраси доценти, к/х.ф.н. Ш.Ҳ.Тўхтаев
2. Бухоро давлат университети Тупроқшунослик кафедраси ўқитувчиси Ф.А.Ганиева
3. Бухоро давлат университети Тупроқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси А.А.Илёсов
4. магистр М.Ф.Хайруллаев

5410300- Ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишида таълим олувчи талабалар учун “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” фанидан ва ўсимликларни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи мутахассислар ўқув-услубий қўлланма

Бухоро давлат университети Агрономия ва биотехнология факультети

Тупроқшунослик кафедраси 2021 йил 24 февралда бўлиб ўтган йиғилишининг (25-баённома) тасдиқланиб факультет кенгашига тавсия этилган.

Бухоро давлат университети Агрономия ва биотехнология факультети

Илмий кенгашининг 2021 “_2_” _март_ да бўлиб ўтган йиғилишининг қарори билан (_№7_баённома) нашрга тавсия этилган.

Ш.Ҳ.Тўхтаев, Ф.А.Ганиева, А.Аминов “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” йўналишида таълим олувчилар учун Ўсимликларни ҳимоя қилиш ҳамда Энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш фанидан ўқув-услубий қўлланма _____ нашриёти.
2021 йил

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Олий ўқув юрти бакалаврлари Агрономия ва биотехнология факультети Ўсимликларни ҳимоя қилиш, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси, Иссиқхона хўжалини ташкил этиш ва юритиш, Мевачилик ва узумчилик, Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик, Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналишлари ҳамда Бухоро вилояти Биологика ва Биофабрика ишчи-ҳодимлари шу билан бирга Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига қарши назоратчилари ҳам фойдаланиши мумкин.

Тақризчилар:

Бухоро давлат университети

Биология кафедраси профессори,

б.ф.д.С.Б.Бўриев

Бухоро давлат университети

Тупроқшунослик кафедраси доценти,

қ.х.ф.н. М.Ҳамидов

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Қишлоқ хўжалик экинларининг асосий зараркундалари.....	6
Қишлоқ хўжалик экинларининг асосий зараркундаларининг энтомоакарифаглари.....	10
Назоратчининг асосий вазифалари.....	21
Қўлланиладиган кимёвий препаратлар.....	23

СЎЗ БОШИ

Мустақил Ўзбекистонда Президент қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, Бухоро вилоят меҳнаткашлари Она Ватан хазинасига ўртача 380минг тонна “оқ олтин” етиштириб бериш режалаштирилган эди. Лекин 2020 йил об-ҳавоси бир мунча қийинчиликлар туғдириши билан бир қаторда ғўза зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг кўплаб ривожланиши учун ҳам қулай шароит туғдиришига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромович Мирзиёевнинг 2020 йил учун мўлжалланган энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек:

“...Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир. Кейинги йилларда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52%га етказиш учун 48та пахта – тўқимачилик кластерининг ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Аграр соҳада энг катта муаммо – фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида етарли билимга эга эмаслигидир. Тўғри, уларда куч-ғайрат ташаббус, ерга меҳр бор. Кўпчилигининг кўзи ёниб турибди, лекин афсуски биргина хоҳиш билан биз юқори ҳосилдорликка ва пировард натижага эриша олмайиз. Бизга қишлоқ хўжалиги технологияларини мукамал эгаллаган замонавий ишлаб чиқариш ва инновация усулларида хабардор фермерлар сув билан ҳаводек зарур. Қишлоқ хўжалигидаги ислохлардан мақсад иқтисодий фойда кўриш билан бирга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур...”

Юртбошимизнинг мурожаатидан кўриниб турибдики аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом-ашёга бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда мамлакатимиз олдида турган энг

муҳим вазифалардан бири бўлиб, қолмоқда. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш, кўп жиҳатдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча омилларидан унумли фойдаланишга боғлиқдир.

Ўсимликларнинг кўпдан кўп зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг етиштирилаётган ҳосилга етказаётган зарарини камайтиришда илғор хориж тажрибаларини кенг қўллаш, юқори самарали инновацион ғояларни жорий қилиш давр талабидир.

Аграр соҳа олимлари томонидан ишлаб чиқарилган ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун қабул қилинган тавсияномаларнинг мавжудлигига қарамасдан, уларга тўла амал қилмаслик оқибатида қишлоқ хўжалигида зараркунанда ва касалликларнинг зарари ҳамон кузатилмоқда.



КЎСАК ҚУРТИ

Бунинг далили сифатида вилоят кўпчилик хўжаликларидида ғўза битлари билан ғўза ёш кўчатлари ёппасига зарарланиш ҳоллари кузатилиши, илдиз чириш касалининг кўпайиши ёки ғўза тунлами куртларининг кўпчилик карталарда учраши ва бошқа ғўза зараркунандаларининг кўпайиши эҳтимолдан холи эмаслигини эслатиш кифоядир. Уларнинг кўпайиб кетиши пахта ҳосилини ўрта ҳисобда 15-20 фоизга камайтириш мумкин. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига, касалликларига ва бегона ўтларга қарши кураш ишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашни ўз муддатларида, яъни улар кенг тарқалмасдан ва тўғри олиб бориш, зараркунандаларнинг кўпайиши ҳамда карантин зараркунанда ва ўсимликларнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида назорат қилиб туришни таъминлаш учун мавсум давомида ҳар 150-300 га (экинда зараркунанда ва касалликларнинг тарқалиш даражасига қараб) майдон ҳисобига биттадан назоратчи ажратиш зарур.

Бундай назоратчилар ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ўсув даврининг охирига қадар ҳар 5-7 кунда камида бир марта экинзорларни синчиклаб назорат қилиб борадилар.

Бунда сўрувчи зараркунандалар – трипс, ўргимчаккана, ғўза битлари, кемирувчи зараркунандалар - кўсак қурти, бошқа баиг кемирувчи тунлам куртлари, ҳамда зараркунандаларнинг табиий кушандаси алоҳида ҳисобга олинади.



Кузги тунлам



Сўрувчи зараркунандалар тушган майдонни аниқлаш учун чигит униб чиққандан бошлаб то ўсув даврининг охиригача назорат ишлари қатъий график асосида олиб борилади.

Назорат қилишни гуруҳ усулида ташкил қилиш айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун ҳар бир даладан намуна олиш мақсадида диагонал тартибда даланинг 20 жойидан олинган намунадан бештадан ўсимлик диққат билан кузатилади ва ўсимликларнинг шикастланиши характери, топилган зараркунанда: ўсимлик битлари, трипс ҳамда ўргимчаккана пайдо бўлган ва улар зарар етказган ўсимлик (фоиз ҳисобида) алоҳида аниқланади.

Ғўза тупларидан ўргимчакканани топиш учун баргнинг орқасига ўсимлик битлари ва трипси топиш учун ўсув нуқтаси ва баргларига қараш керак. Ўргимчаккана сонини аниқ ёзиш учун, пробадаги беш ўсимликдан 3та зарарлангани ажратилиб, шу 3та зарарланган ўсимликнинг ҳар биридан 3тадан баргидан – пастки, ўрта ва тепа қисмидан ўргимчаккана сони лупа ёрдамида саналади. Ёш кўчатлардан (ғўза шоналаганга қадар) битлар сонини аниқлаш учун, пробадаги беш ўсимликда, ғўза шоналагандан сўнг эса ўргимчакканани ҳисоблаганга ўхшаш 3та зарарланган ўсимлик ажратилиб ва ҳар бир зарарланган ўсимлик 3тадан баргидаги зараркунанда сони аниқ санаб чиқилади.

Сўрувчи зараркунандаларнинг 100 баргдаги сонини аниқлаш учун йиғилган маълумотлар қуйидаги формулага солинади.

Р

Х----- бунда

КЛЗ

Х – ўсимлик битлари ва ўргимчаккананинг 100 баргдаги сони.

Р – шу даладан текширилган умумий ўсимликлар сони.

З – зарарланган ўсимликлар фоизи.

Л – зарарланган ўсимликларда ўсимлик битлари ва ўргимчаккана билан зарарланган баргларнинг ўртача фоизи.

К – битта зарарланган баргдаги ўсимлик битлари ва ўргимчаккананинг ўртача сони.

Кўсак қурти ҳамда бошқа барг кемирувчи зараркунандалар тушган майдонни аниқлаш учун ғўза шоналай бошлагандан то ўсув даврининг охиригача кузатиш ишлари олиб борилади.

Бунинг учун ҳар қайси даладан 100 туп ўсимлик (юқорида эслатилгандек диагонал усулда) кўздан кечирилиб, улардаги зараркунандалар тухуми билан қуртлари санаб чиқилади. Ғўза тупларининг устки қисми ҳамда барча ҳосил органлари (шона, гул, тугун ва кўсаклари) айниқса синчиклаб қаралади. Назорат пайтида ғўзадаги фойдали ҳашаротлар яъни зараркунандалар табиий кушандаси ҳисобланган Хон қизи, олтинкўз, сирфид пашшаси, йиртқич қандала ва канахўр трипс, ҳамда ўсимлик битларининг паразитлар билан зарарланганлари ҳамда ғўза тунлами қуртларининг кушандалар билан шикастланганлари ҳам ҳар 100 тупдаги сони кундалик дафтарга ёзиб борилади.

ХОН ҚИЗИ ҚЎНҒИЗЛАРИ



Хон қизи қўнғизлари ғўза майдонларида 9та тури учрайди. Бу беозор жонивор қўнғизи ва личинкалари ўсимлик битлари (шира)ни ўнлаб миқдорда қириб ташлайди. Хон қизи қўнғизлари

чўзинчоқ шарсимон шаклда, сарғиш-қизил, қанот устлари бўлиб бу қанот устларида қора нуқталар ва доғлар бўлади. Личинкалари кулранг, сариқ рангда, қорнининг икки ёнида қора ва сарғиш қизил доғлари бор. Тухумлари сарғиш, таёқчасимон шаклда бўлиб, уларни тўп-тўп қилиб битларнинг тўдалари орасига, ғўза шоналари ичига қўяди. Хон қизлари хўрадир. Бир сутка давомида личинкаси 100тадан ортиқ, етук қўнғизи эса 200тага яқин ўсимлик битларига қирон солади.

Битта хон қизи ўзининг ҳаёти давомида 5000 та битни ейди. 7 нуқтали хон қизи кўсак қурти тухуми ва кичик ёшдаги қуртлари билан озиқланади.

ОЛТИНКЎЗЛАР



Олтинкўзларнинг ғўза экинида 5 тури учрайди. Булар жуда нозик, тиниқ яшил қанотли ва тилласимон кўзларининг мавжудлиги билан бошқа ҳашаротлардан фарқ қилади. Улар ўсимлик устида учиб юриб, тухумларини ўсимлик битлари (шира) ва ўргимчаккана тўдаларига қўяди. Тухумлари кичкина яшил рангда бўлиб, ингичка поячалари билан ўсимлик органларига маҳкам ўрнашиб олади. Личинкалари оч сариқ рангли, яхши ривожланган ўроқсимон жағлари бор. Улар жуда хўра бўлиб, 1 суткада 50-60 тадан ортиқ ўсимлик битларининг ва 200 та ўргимчаккана личинка ва тукларини, зараркунанда тухумларини эса 800 тасини қириб ташлайди. Олтинкўз личинкалари ўсимлик битлари ва ўргимчакканадан ташқари кўсак қурти тухумларини ва кичик ёшдаги қуртларни ва бошқа 17 турдаги зараркунандаларни ейди.



СИРФИД ПАШШАЛАРИ.



Сирфид пашшалари ташқи кўринишидан ариларга ўхшаб кетади. Лекин қанотларининг бир жуфт бўлиши, қорнида қора ва сариқ йўллариининг борлиги билан улардан фарқ қилади. Личинкалари оқ-сариқ рангда бўлиб, кўринишидан зулукчани эслатади. Жуда кичкина оқ рангли чўзинчоқ шаклдаги тухумларини ўсимлик битларининг тўдаларига қўяди. Сирфид пашшаси личинкалари ўсимлик битлари билан озиқланади. Битта личинка бир суткада 50-60, бутун ҳаёти давомида эса 500-600 ўсимлик битини қириб ташлайди.


ЛЕВКОПИС ПАШШАЛАРИ



Кумушсимон, ялтироқ хашарот. Личинкалари оқ рангда, қорнининг охирги қисмида 2 та шохчаси бўлади. Бу личинкалар бир суткада 30та, бутун ҳаёти давомида 400-500 ўсимлик битларини еб йўқотади. Вояга етган левкопис пашшалари нектарга ниҳоятда ўч бўлиб гуллаётган ўсимлик устида учиб юради ва гулдан гулга кўниб, нектар билан озиқланади.



ЙИРТҚИЧ ҚАНДАЛА



Бир мунча майда ҳашарот бўлиб, тахминан 2мм, катталиқда, қора рангли бўлади. Тухуми оқ чўзинчоқ овал, узунлиги 0.3-0.4мм. Личинкаси сарғиш ёки жигар рангда.


Йиртқич қанда – ориус ҳаммахўрдир. Ўргимчакканадан ташқари у трипси, ўсимлик битларини, капалак тухумларини (кўсак қуртини ҳам) ва майда қуртларни сўради. Бир суткада битта қанда ўрта ҳисобда 100 тагача ўргимчакканани сўриб йўқотади. Ориус қандаласи мартдан октябргача тараққий этади. Канахўр трипсинг вояга етгани 1мм. Атрофида, сомонсимон сариқ рангда, кўринишидан ғўза зараркунандаси – тамаки трипсига ўхшаш бўлсада, лекин унинг қанотларида аниқ ифодаланган олтига (урғочиларида) ва тўртта (эркакларида) тўқ кулранг доғларнинг бўлиши билан фарқ қилади. Личинкалари оқ ёки пуштисимон.

Кўпинча қорнининг ўртасида пушти доғлари ва қаттиқ қилчалари бўлади. Личинкларининг катталиги 0.3-1мм.

Пронимфалари ва нимфалари сутсимон оқ ёки сарғиш рангда, кўпинча уларда ҳам қорнининг ўртасида пушти доғлари ва қанот бошланғичлари бор. Уларнинг катталиги 1мм. Келади. Канахўр трипс фақат ўргимчаккана билан озиқланади. Битта етук трипс ўз ҳаёти давомида ўрта ҳисобда 400-600 ўргимчакканани, личинкаси эса 60-70 канани қириб ташлайди. Урғочи трипс ўз тухумларини ўргимчаккана билан зарарланган барг тўқимасига қўяди. Тараққиёти апрелдан то октябргача давом этади. Ғўзада ўргимчаккана жуда кўп бўладиган (июн-август) даврида унинг активлиги ортади. Ғўза далаларида канахўр трипс ўргимчаккананинг энг кўп тарқалган кушандасидир.

СТЕТОРУС





Бир мунча кичик (1.5-2 мм) қора рангли, чўзинчоқ шаклда бўлиб, оёқлари ва мўйловлари жигар рангда, тухумлари чўзинчоқ, оқ ёки кулранг, катталиги 1-3мм. Гача бўлиб, боши қора майда қорамтир тукчалар билан қопланган. Ғумбаклари оч ёки тўқ жигар рангда. Шакли ва катталиги жиҳатдан етук қўнғизга жуда ўхшайди. Улар танасини охириги қисми билан ўсимлик баргларига ёпишиб туради.

Стеторус ўргимчаккананинг актив кушандасидир. Бундан ташқари у ўргимчаккана тўдасида юрган трипс личинкаларини ҳам ейди. Битта қўнғиз бир суткада ўрта ҳисобда 100 та ўргимчакканани ейди. Урғочи стеторус ўз тухумларини ўргимчаккана билан зарарланган ўсимлик баргига қўяди. Табиатда стеторус апрелдан то октябргача тараққий этади.

ЎСИМЛИК БИТЛАРИ (ШИРА) ПАРАЗИТЛАРИ.



Юқорида қайд этилган йиртқич ҳашаротлардан ташқари паразитлар ҳам ўсимлик битларини қиришда катта роль ўйнайди. Улар катталиги 2-3 мм. келадиган парда қанотли ҳашаротлардир. Булар ўз тухумларини ўсимлик битлари танасига қўяди. Паразитлар билан зарарланган битлар шишади, қаттиқлашиб мумиёга айланади, сўнг ўлади. Паразитлар битнинг ички қисмини бутунлай еб, устки (елка) томонидан юмалоқ тешикча очиб, шу ердан учиб чиқади.

АПАНТЕЛЕС





Кўсак қуртининг ва кузги тунлам қуртларининг ичида паразитлик қилади. У ҳар бир қуртнинг ичига қурт ёшлик даврида бир нечтадан тухум қўяди. Паразитнинг ривожланиш даври 10-15 кун. Мавсум давомида 5-6 март авлод беради. Табиатда кўсак қуртининг 60 фоизи апантелес билан зарарланади.

ГАБРОБРАКОН ХЕБЕТОР



Ташқаридан туриб паразитлик қилади. Улар кўсак қуртини ўрта ва катта ёшдагиларини зарарлайди. Паразитнинг урғочиси дастлаб кўсак қуртини тухум қўйгичи найзаси ёрдамида фалаж қилади. Сўнгра қуртнинг танасига 2-12 ва ундан ортиқ тухум қўяди. Битта урғочи паразит 150-300 тагача тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртча кўсак қуртини сўриб озиқланади. Етилгандан сўнг ўша ерда ғумбакка айланади. Паразит 9-23 кунда ривожланади. Мавсумда 6-7 авлод беради. Табиатда у инсон иштирокисиз кўсак қуртининг 10 фоиздан 60 фоизгача йўқотади.

ТРИХОГРАММА



Бу энтомофаг кўсак қуртини тухумига қарши бир гектарга 1 грамм миқдорида тарқатилади. Бунинг учун 1 литрлик банка бўлса 1 грамм солиниши ва бир гектарга сарфланиши керак, 2 литрлик банкада 2 гектарга етадиган 2 грамм, 3 литрлик банкада 3 гектарга етадиган 3 грамм трихограмма бўлади. Банкаларга майда гармошка қилинган қоғозчалар солиниб, кейин белгиланган миқдордаги жонланган трихограмма солинади. Трихограмма қоғозчаларга ўрнашиб олгандан кейин далага чиқариб қўйилади. Трихограмма 5x5 м схемада бир гектарда 400 нуктага қўйилиши керак.

ДАЛА НАЗОРАТЧИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Дала назоратчиси ўзи фаолият олиб бораётган фермер хўжалиги ҳудудида мавсум давомида зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг тарқалишини кузатиб боради ва зарарланган майдонларда ишловларнинг амалга оширилиши бўйича мониторинг юритади.

Назоратчи ўзига бириктирилган участкалар учун кузатув дафтари юритади. Бу дафтарда олинган намуналар сони, ундаги

зараркунанда, касалликлар тури, сони, кузатув ўтказилган кун, биомахсулот қачон ва қандай миқдорда қўйилганлиги, кимёвий препаратлар ишлатилганлиги, уларнинг самарадорлиги, ғўза майдонларига ўрнатилган феромон тутқичларга тушган капалаклар ҳисоби тўғрисида ва бошқа соҳага тааллуқли маълумотлар бўлади. Ҳар куни ҳудудий агрономга ўзига бириктирилган ғўза майдонларига зараркунанда, касалликларнинг тарқалиши, уларнинг сони тўғрисида аниқ маълумот бериб боради. Кузатув ўз вақтида ўтказилишига назоратчи масъул ҳисобланади.

Зараркунандаларнинг тарқалиш белгилари аниқланса, белгиланган чора-тадбирлар ўз муддатларида ўтказилмаса, унинг самарадорлиги кўзланган натижани бермаса, назоратчи зудлик билан ҳудудий агрономини огоҳлантиради.

Кундалик назоратда ҳисобга олинган зараркунанда ва уларнинг табиий кушандалари бир-бирига нисбатан қараб кураш чораси белгиланади, ёки ундан воз кечилади, яъни бунда қуйидаги бир-бирига нисбатан:

-Агар ғўза, полиз бити, катта ғўза яшил бити, ўргимчаккана билан бир вақтнинг ўзида зарарланиб ғўза барг пластинкасининг тўртдан бир қисми зараркунандалар билан қопланган бўлса, 100 ўсимликда табиий кушандалар сони, асосан Хонқизи қўнғизлари ва улар личинкалари, олтинкўз ва сирфид пашшалари личинкалари, ҳамда йитрқич трипслар личинка ва имаголари сони 170-200 донадан ошса кимёвий курашдан воз кечиш мумкин.

Июн ойи иккинчи ярмида ўрта толали ғўза навларида кўсак курти сони ҳар 100 туп ўсимликда 8-12 донага етганда, табиий кушандалар ҳар 100 туп ўсимликда 200-250 та бўлса зараркунандага қарши кимёвий кураш ўтказишга эҳтиёж қолмайди.

-Ғўза майдонларида ҳар 100 туп ўсимликка табиий кушандаларнинг 300-400 та активлик фазаси тўғри келганда умумий зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов беришдан мутлақо воз кечиш мумкин.

Назорат натижасида тўпланган маълумотлар зараркунанда ва касалликларга қарши курашнинг анча самарали муддатларини белгилаш имкониятини беради. Мабодо ҳар 100 та ўсимликка 8-12 кичик ёшдаги кўсак қурти ва ҳар 100 та зарарланган баргда 150-170 дона ўргимчаккана пайдо бўлганда уларга қарши тегишли биологик ёки кимёвий кураш олиб борилади.

Бу ҳолда кўсак қурти тухумига қарши биологик лабораторияларда кўпайтирилаётган трихограмма паразитидан қўлланмаларда кўрсатилган миқдорда (200 минг дона) зараркунанданинг ҳар бир наслига қарши 3-5 кун оралатиб, 3-4 марта паразит чиқарилиши кифоядир. Зараркунанда куртларига қарши микробиологик препаратлар қўлланилади.

Шу миқдордаги дендробациллин микробиологик препаратига Фаскорд (0.2л/га) ва Тетрамехтин (0.25л/га) препаратларидан аралаштириб ишлатилиши ишлов самарадорлигини янада оширади. Шунини қатъий эслатиш ўринлики, юқоридаги эслатилган препарат зараркунанданинг кичик ва ўрта ёшдаги куртларига қарши юқори натижа беради.

Бу зараркунанданинг ўрта ва катта ёшдаги куртларига қарши габробракон яйдоқчасидан фойдаланиш зараркунанда куртларининг кескин камайишига олиб келади ва далаларда паразитнинг тўпланиб боришига ва кўсак қурти кейинги наслларига қарши курашда яйдоқчанинг фаолиятини оширишга олиб келади. Бунда 1 га ерга курт қалинлигига қараб 1000-3000 яйдоқчи урғочиси тарқатилиши кифоя қилади. Мабодо юқорида кўрсатилган биологик воситалар бўлмаса, унда кўсак қурти ва сўрувчи зараркунандаларга қарши Фаскорд концентрат эмульсиясидан ёки шу препарат 30 % ли хўлланувчи кукунидан ҳар гектар ғўза майдонига 2.5-3 кг, кўсак қуртининг ўзи учратилганда қуйидаги препаратлар суюқланиш концентрация, Фаскорд 0.2л/га, Тетрамехтин 3.6% эм.к. 0.25л/га, Алтын 1.8% эм.к. 0.5л/га, Вертимек 1.8% эм.к. 0.4-0.5л/га ишлатилиши кифоя.

Ўргимчаккана ва ғўза битларига қарши юқорида эслатилган Торпеда эм.к. 0.4л/га, Гексамек суспензия концентрация 0.4л/га қўллаш мумкин,

ИЗОҲ: К.Э. – концентрат эмульсия

Ҳ.К. - хўлланувчи кукун

Ўргимчаккана ва бошқа сўрувчи ғўза зараркунандаларига қарши курашда айниқса, олтингугуртнинг Тошкент Аграр университетининг Ўсимликлар биологик ҳимояси ва анорганик кимё кафедралари, ҳамда Бухоро давлат университети Тупроқшунослик кафедраси яратган ва ишлаб чиқаришга жорий қилган янги, сувда хўлланувчи формасидан фойдаланиш юксак натижа берди.

Бу паста ҳолдаги масса сув билан ҳар қандай нисбатда олинса ҳам олтингугурт суспензияси ҳосил қилади.

Сувда хўлланувчи олтингугуртнинг устунлик қиладиган томони шундаки, у ўсимлик устида яхши ушланади, бошқа сўрувчи зараркунандалар танасига сиртдан таъсир қилади. Ўргимчаккана тухумларини йўқ қилади.

Таъсир этиш даври анча давомли – 30-35 кун ва ундан ҳам кўпроқ. Ғўза ҳолатини яхшилайтиди., кўсак қурти капалагини чўчитиш-репеллент хусусиятига ҳам эга.

Сувда хўлланувчи олтингугурт тайёрлаш қийинчиликлар ва чиқимлар билан боғлиқ эмас. ОВХ-28 трактор пуркагичини 2%ли ишчи суспензия билан бир маротаба тўлдириш учун (600л) 12кг олтингугурт, 7-9л совуқ сув (дарё, арик, ҳовуз суви) 800-900г сунъий ювувчи модда (Лотос, Мэйфу, Миф) олинади. Шунинг эслатиш лозимки, агар препарат фақат тамаки трипси ёки ғўза битлари (шира)га қарши ишлатиладиган бўлса, унда сунъий ювувчи модда миқдорини 1.5-1.8кг гача кўпайтириш керак. Агарда юқорида айтилган зараркунандаларнинг қалинлиги юқори бўлмаса, унда оддий нормада ишлатилади.

Олдин сувда сунъий модда эритмасини таёрлаб олиниб, кейин аста-секин майдаланган олтингугурт кўшиб юборилади (майда

элакдан ўтказилган). Бир хил масса ҳосил бўлгунча (15-20дақиқа) яхшилаб аралаштирилади. Агар у қуюқ бўлса озгина сув қўшилиб аралаштирилади. Лекин сув кўпайиб кетса ҳўлланувчи олтингугурт бир хил масса ҳосил қилиши қийин бўлади. Ҳосил бўлган асосий суспензия ОВХ-28 пуркагич бункерига қўйилади, яъни 600 л сувга аралаштирилганда 2%ли ишчи суспензияси ҳосил бўлади.

Ишчи суспензия ОВХ-28 пуркагичи учлиги охири катталиқда очилиб ўзани ривожланиш фазасига қараб гектарига 400-600 л миқдорда пуркалади.

Ишлагандан сўнг саккизинчи-ўнинчи кунлари препаратдан яхши натижа олинади, яъни ўргимчаккана барча фазаларини ва бошқа сўрувчи зараркунандаларни 95-100 % га қириб ташлайди. Ўза қатор оралари тўрт қатордан ташланиб трактор пуркагич орқали ишчи суспензияси пуркалади.

Препаратнинг шуниси жуда қулайки, уни иш жойида тайёрлаш мумкин.

У одам, уй-ҳайвонлари, ипак курти ва бошқа фойдали ҳашаротларга зарар етказмайди.

Ишчининг кийими ва қўлларидаги препарат қолдиқлари яхши ювилади, ҳиди эса қолмайди.

Ўргимчаккананинг ўзига қарши олтингугуртнинг оҳакли қайнатмасидан (ИСО) 0.5-1-0 ҳолда фойдаланиш мумкин. Олтингугуртнинг оҳакли қайнатмаси ишлатилганда қатор оралари қолдирилмасдан ОВХ-28 пуркагичида гектарига 800-900 л ишчи суспензияси сарфланади.

Юқорида эслатилган олтингугурт препарати турли формаларини олтингугурт оҳакли қайнатмаси – ИСО ва сувда ҳўлланувчи олтингугурт тайёрлайдиган цех Жондор туман ўсимликларни ҳимоя қилиш гуруҳи қошида қурилиб, ишга туширилган. Бу цех ҳар куни бир буюртма асосида эҳтиёжга қараб

мутлақо зарарсиз бўлган юқоридаги олтингугурт препаратларини тайёрлаб бера олади.

Кузатиш ишларининг натижалари Тошкент Аграр университети ўсимликлар биологик химояси кафедраси ҳамда Бухоро давлат университети Тупроқшунослик кафедраси ишлаб чиққан формага тўлдириб борилади. (Форма №1).

Текшириш юзасидан олиб борилган ишлар якуни ҳар куни назоратчи, фермер раҳбарларининг имзоси билан туман Ўсимликларни химоя қилиш станцияси бош агрономи ва раҳбарига топширилади. Шунинг эслатиш ўринлики, Бухоро вилояти Ўсимликларни химоя қилиш бўлими томонидан ва Бухоро давлат университети Тупроқшунослик кафедраси мутахассис томонидан ғўза зараркунандаларига қарши уйғунлашган химоя қилиш усулини жорий қилиш муносабати билан туман хўжаликларида назорат ишларини амалга оширишда кескин бурилиш ясалди. Масалан: 2020 йилга қадар туманлар бўйича ҳар йили ҳар тўртта фермерга биттадан назоратчи ишлаган бўлса, кейинги йиллар эса ўртача ҳар учта фермерга биттадан назоратчи қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу ишда ҳар йили Бухоро давлат университети Ўсимликларни химоя қилиш таълим йўналиши талабалари ҳамда мутахассис олимлари ҳам фаол иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Вилоят хўжаликларида ғўза зараркунандаларига қарши назорат ишларининг яхши ташкил этилиши ва уйғунлашган химоя қилиш усулини жорий этиш туфайли зараркунандаларга қарши кураш ҳажми 2010 йилга нисбатан 2020 йил да 0.4 мартагача қисқарди.

Ғўза зараркунандаларига қарши курашда бу усулнинг жорий қилиниши фақат зараркунандаларнинг кўпайиши ва тарқалишини олдини олибгина қолмасдан балки, уларга қарши курашда авиациядан воз кечиш мумкинлигини ҳам кўрсатди.

Вилоят хўжаликларида фақат заҳарли моддаларни чеклаб ишлатиш туфайли 5йиллик давомида 35млн. сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

Дала журналига ёзилган назорат якунлари асосида назоратчи, хўжалик раҳбари ва туман мутахассиси билан биргаликда бажарилган иш ҳақида акт тузади, (Форма №2) ва бунда экин зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш ҳажми ҳамда муддатлари кўрсатилган ҳолда тавсияномалар белгилаб чиқадилар. Акт 2 нусхада тузилади. Биттаси фермер хўжалиги раҳбарида, иккинчиси Ўсимликларни химоя қилиш бўлимига топширилади.

Назоратчилар ҳаммаси қўлига қизил рангдаги “НАЗОРАТЧИ” деган тасма белги боғлаб юриши мутлақо шарт.

Назоратчилар зараркунандалар аниқланган майдонларга ўсимликнинг зарарланиш даражасига қараб маълум, яъни кўсак курти билан зарарланган майдонни қора ўргимчаккана билан зарарланган ғўза майдонлари қизил рангдаги байроқчалар билан белгиланиши шарт.

Бундан ташқари турли усуллар билан ишланган майдонларга экин ишланганлигини билдирувчи оқ рангли байроқчалар билан белгиланиши шарт.

Заҳарли моддалар билан ишлаш зарурати туғилганда, улардан заҳарланишни олдини олиш ишига қатъий амал қилиш зарур. Бунда ишловчи кишилар ишлайдиган заҳарли кимёвий препаратларнинг хусусиятларнинг ва уларни ишлатиш қоидалари билан тўла таништирилиши керак. Бу ишга қатнашувчи барча шахсларнинг тиббиёт кўригидан ўтиши шарт.

Заҳарли моддалар билан ишлашда 18 ёшгача бўлган ўсмирлар, ҳомиладорлар ёки эмизикли аёллармутлақо қўйилмайди.

Фосфорорганик препаратлар билан ишлатилган ғўза майдонлари трактор культивацияси ўтказиш фақат 9 кундан сўнг, фермерчиларнинг қўл меҳнати ўтказилиши 15 кундан сўнг рухсат берилади.

Заҳарли моддалар тайёрланган ва заҳарланган майдончаларга уй ҳайвонларини мутлақо яқинлаштирмаслик керак.

Препаратлар ва улардант бўшаган идишлар қаровсиз далаларда қолдирилишига қатъий барҳам бериш керак.

Заҳарли моддалар ишлатилган жойларда барча зарур доридармон билан таъминланган аптечкалар ташкил қилинади.

Заҳарли моддалар ишлатилган далаларда мол боқиш 20-25 кун давомида қатъиян ман этилади.

Булардан ташқари қўлланмаларда кўрсатилган барча хавфсизлик қоидаларига амал қилиш керак.

Хўжалик _____

Туман _____

Акт " _____ " _____ 20__ йил

биз тубанда имзо чекувчилар ўсимликларни ҳимоя қилиш туман ишлаб чиқариш бўлими (бўлим мутахассиси)

Ф.И.Ш. _____

ушбу актни тузамиз ҳақдаким, " _____ " _____ 20__ йил

_____ да _____ гектар _____

ҳужалик номи

экиннинг номи

майдон экин зараркунандаларини аниқлаш мақсадида назорат ўтказилди. Назорат ишида хўжалик томонидан назоратчи сифатида _____

қатнашдилар.

назорат натижасида қуйидагилар аниқланди:

№	участка ва дала бригадалари			зараркунандалар номи	зарарланиш даражаси ва зараркунандаларнинг 100 барг ёки ўсим. 1м2 майдондаги сони.

экин майдонларини зараркунандалардан тозалаш ҳамда экинларни соғломлаштириш мақсадида қуйидаги муддатларда ўтказиш учун тавсия этиладиган тадбирлар _____

Туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими
(вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими) мутахассиси:

Хўжалик бош агрономи:

Хўжалик энтомологик агрономи:

